

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**1-сон**  
**(189)**  
**2006 й.**  
**январь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

1. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

2. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 2005 йил 6 ноябрдаги ПФ–3675-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 январдаги 2-сон қарори
3. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш тартибига қўшимча киритиш тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 январдаги 3-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

4. «Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёrlаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг 2005 йил 15 декабрдаги 105-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 январда 1533-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
5. «Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 41, 5067, 84-01-1375-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 январда 1534-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 3 январдан 6 январгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **1 Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустақамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;

корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисобкитоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.

3. Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин.

4. Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилсин.

Махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланади.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилади;

касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Бунда уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда — касаначилар зиммасига, охириги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланади;

меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

касаначилар фаолияти буюртмачи-корхона қонунчилиқда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Касаначилик тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда касаначилар билан меҳнат шартномасини тузиш, уларга ускуналар бериш ва техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, хомашё ва материаллар тақдим этиш,

касаначилар харажатларини қоплаш тартибини, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари, томонларнинг ўзаро жавобгарлиги чоралари, шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган имтиёзларни қўллашда суистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини белгиласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастурларида 2006-2007 йилларда касаначиликни оммалаштиришга доир тадбирларни кўзда тутсин;

мазкур дастурлар ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда ҳудудлар ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама этишда ҳар бир чорак натижалари бўйича уларнинг амалга оширилишини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин.

Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 5 январь,  
ПФ-3706-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **2** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 2005 йил 6 ноябрдаги ПФ–3675-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 2005 йил 6 ноябрдаги ПФ–3675-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича меъерий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 14 январдаги 21-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 1 апрелдаги 169-сон қарорига илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 4 январь,  
2-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 4 январдаги 2-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Нархларни бошқариш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг III бўлими иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Мазкур бўлимнинг биринчи хатбошида назарда тутилган маблағлар ва жарималарнинг барча суммаси (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни

қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасига тегишли равишда 4 ва 6 фоиз миқдорида ўтказиладиган, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун солинадиган жарималарнинг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган 45 фоизи миқдоридаги маблағлардан ташқари) Нархларни бошқариш жамғармасига йўналтирилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 42-модда):

3-банд чиқариб ташлансин;

2-иловада:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 23 июлдаги ПФ–2342-сон Фармонида мувофиқ банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарни соғломлаштириш ҳамда уларнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ўтказиладиган суддан олдин санациялаш масалаларини тартибга солади»;

б) 7-банднинг саккизинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

в) 10-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати қарорига кўра Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасидан таркибий ўзгартириш дастурларини амалга ошириш учун тасдиқланган лимитлар ва сметалар доирасида маблағларни мақсадли ажратиш»;

учинчи хатбошидаги «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Санация ҳисоб рақами иш тартиби белгиланган тартибда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади»;

г) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Устав фондида давлат улуши бўлган объектларни санациялаш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳайъати қабул қилади»;

д) 13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг санациялаш ёки давлат маблағларини жалб қилиш тўғрисидаги мурожаатномаси Ўзбе-

кистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига берилади.

Қарздор корхона санациялаш тўғрисида мурожаат қилганда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади»;

е) 14-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«14. Корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда корхонани молиявий соғломлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати билан келишилган бизнес-режаси асосида санациялаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Корхонага нисбатан судгача санациялаш муддатида мажбурий тўловларни тўлаш, илгари берилган давлат кредитларини қайтаришни кечиктириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурати бўлганда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори қарор қабул қилиш учун Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясига юборилади»;

ж) 15-банддаги «Қўмита» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

з) 16-банднинг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тақдимномасига кўра Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати» сўзлари билан алмаштирилсин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда):

а) 1-банднинг биринчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тақдимномасига кўра» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «1999 йил 20 августдаги 397-сон» сўзлари «2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон» сўзлари билан алмаштирилсин»;

учинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин»;

тўртинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин»;

в) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш,



рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси хайъатининг» сўзлари билан алмаштирилсин»;

г) 1-иловининг 1-банди биринчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси хайъатининг» сўзлари билан алмаштирилсин».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 84-модда) билан тасдиқланган Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги Низомда:

а) 4-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банд «а» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 24-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 25-банд «а» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси таркибидаги «Мансуров О.Б. — Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг шўъба мудир, Улашев Б. — Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раисининг ўринбосари» сўзлари тегишли равишда «Жуманов Ў.К. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси, Исмоилов Ж.Г. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 182-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом 8-бандининг ўн биринчи хатбошидаги «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 24-иловада:

«Асқаров М.А. — Давлат мулки қўмитаси раиси, кенгаш раисининг ўринбосари» сўзлари «Саидова Г.К. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси, кенгаш раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ҳасанов Н.Х. — Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари, кенгашнинг масъул котиби» сўзлари «Абдурашидов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, кенгашнинг масъул котиби» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 4 августдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хўжалик юритувчи субъектлардан монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириладиган маблағлар ва жарималар суммасининг 6 фоизи»;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиғма сметаси (шу жумладан йил мобайнида киритиладиган ўзгартиришлар) Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати томонидан тузилади ва тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун харажатларнинг бюджет сметаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Бунда моддий-техника таъминотига, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилишга, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси органлари жорий харажатларини қоплашга йўналтириладиган маблағлар миқдори хўжалик юритувчи субъектларга монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан солинадиган жарималар, шунингдек Жамғарма маблағларини тижорат банкларидаги депозит ҳисоб рақамларига жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳамда Жамғармага бошқа манбалардан тушадиган маблағларнинг 15 фоизи миқдоридagi тушумлардан ортиқ бўлиши мумкин эмас»;

в) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Жамғарма маблағларини ажратиш Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан мустақил равишда, тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**3** **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш тартибига қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 30 августдаги ПҚ–165-сон қарорининг 9-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш тартибининг 27-банди «в» кичик бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш учун».

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 4 январь,  
3-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

### **4** Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
3 январда 1533-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 13 январдан кучга киради)*

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича таклиф этилган йўриқнома\* тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида унинг давлат рўйхатига олингандан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқнинг кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 11.07.1994 йил 14-ТК-сонли қарори билан тасдиқланган «Табиат муҳофазаси. Атмосфера. Атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбалари инвентаризациясини ташкил қилиш ва уни ўтказиш тартиби. Йўриқнома.» номли 118.0027714.35-94-сонли раҳбарий ҳужжат ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 05.11.1992 йил 5-ТК-сонли қарори билан тасдиқланган «Табиат муҳофазаси. Атмосфера. Ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлашнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий меъёрлари лойиҳаларининг таркибини белгилаш учун корхонанинг тоифасини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар» номли 118.0027714.17-92-сонли раҳбарий ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. АЛИХОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 15 декабрь,  
105-сон

---

\* Йўриқнома рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**5 Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
3 январда 1534-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 13 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Халқ таълими вазири Т. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 декабрь,  
41-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 декабрь,  
5067-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази  
директори Б. ИСМОЙЛОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 декабрь,  
84-01-1375

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Аллий вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъерий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 3 январдан 6 январгача бўлган маълумот**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг 2005 йил 15 декабрдаги 105-сон буйруғи.*

**2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 январдан кучга киради).**

2. «Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 41, 5067, 84-01-1375-сон қарори.*

**2006 йил 3 январда 1534-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 январдан кучга киради).**